

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МИЛЛИЙ-МАДАНИЯТ ВА МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ

Рамазонов Жаҳонгир Джалолович

Бухоро давлат педагогика институти доценти.

+998 91 924 84 61

Аннотация. Мазкур мақолада глобаллашув даврида миллий-маданият ва миллий ўзига хосликнинг турли оммавий маданиятлар таъсирида трансфармациялашувининг ижтимоий психологик хусусиятлари хусусидаги назарий ҳамда амалий масалалари ёритилган.

Калит сўзлар. Глобаллашув, миллий-маданият, миллий ўзига хослик, оммавий маданият, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, манавий хавфсизлик, трансфармация, интеграция.

Аннотация. в данной статье освещены теоретические и практические вопросы, касающиеся социально-психологических особенностей трансформации национальной культуры и национальной идентичности под влиянием различных массовых культур в эпоху глобализации.

Ключевые слова: глобализация, национальная культура, национальная идентичность, массовая культура, правосознание и правовая культура права, моральная безопасность, трансформация, интеграция.

Abstract. This article covers theoretical and practical issues on the social psychological characteristics of the transformation of national culture and national identity in the era of globalization under the influence of various popular cultures.

Key words: globalization, national-culture, national identity, popular culture, legal consciousness and legal culture, moral security, transformation, integration.

XX асрнинг охирига келиб инсоният томонидан яратилган фан, техника ва технологиялар соҳасидаги кашфиётлар инсониятнинг турмуш тарзи юксалишида ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг кучайиши учун етакчи аҳамиятга эга бўлди. Бу жараённинг мазмун – моҳияти “глобаллашув” атамаси билан онгимиздан ўрин олди. XXI асрга келиб уни муомалада қўллаш шу даражада оммавийлашиб кетдики, у қўлланилмайдиган соҳа қолмади, десак ўринли бўлади. Чунки, глобаллашув жараёни бугунги кунга келиб, мамлакатларнинг иқтисодий ва молиявий ҳаёт доирасидан чиқиб, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва ахлоқий ҳаёт доираларини ҳам қамраб олди. Глобаллашув жараёнининг энг асосий воситаси сифатида юзага келган компьютер, интернет, телевидение ва бошқа замонавий оммавий ахборот воситалари бутун дунё халқларининг мулкига айланди ва уларни ўзаро боғланиш жараёнини янада тезлаштирди.

Глобаллашув жараёнининг ҳозирги даврда фан, техника ва технологиялар соҳасидаги ютуқларини бутун дунё халқларига етказиш, уларнинг мулкига айлантиришдаги ролини қанчалик юқори баҳоламайлик, аслида бу жараённинг дунё халқларини хавотирга ва ташвишга соладиган энг ёмон ва хавфли томони шундаки, техникавий ва иқтисодий жиҳатдан юксак даражада ривожланган мамлакатларнинг, биринчидан, кам тараққий этган ёки энди тараққий йўлига

кираётган мамлакатларнинг мавжуд иқтисодий ресурсларига эгалик қилиш йўли билан ўз ҳукмронлигини таъминлашга интилиши кучаяётганлиги билан белгиланса, иккинчидан, ўз ҳукмронлигини таъминлаш асосида ўзларининг ғояларини, мафкураларини ва дунёқарашларини оммавий тарзда уларнинг онги ва қалбига синдириш билан уларнинг ўз манфаатлари йўлида бошқараётганликлари билан белгиланади.

Ҳозирги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Илмий фалсафий ва психологик таҳлилларимиз натижаларига кўра, глобаллашувнинг миллий-маданият ва миллий ўзига хосликнинг емирилишига ўтказётган таъсирини қирқишнинг асосий ва маърифий омили бу миллий – маънавий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ. Агар глобаллашувнинг салбий таъсирига қарши тура оладиган миллий – маънавий омиллар шакллантирилса, миллий – маънавий асос ва тамойилларни тараққиётимизнинг эҳтиёжи даражасига кўтара олсак, глобаллашувнинг миллий – маънавий ҳаётимизга ўтказадиган таъсирининг пайи қирқилиши табиий жараён сифатида амалга оша боради.

Миллий – маънавий иммунитет деганда миллатнинг барқарор ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжини қондирувчи кенг маънодаги маънавий бойликнинг мавжудлигини, унга ҳар доим ҳам эҳтиёжнинг ўсишига мойиллик кучлилигига ва миллат маънавий ҳаётига ташқаридан кўрсатиладиган ҳар қандай таъсирларга қарши тура оладиган, улардан кучли, устун бўлган миллий – маънавий, руҳий ва юксак даражадаги ахлоқий салоҳиятларнинг амал қилишини тушуниш мумкин.

Кўриниб турганидек, миллий – маънавий иммунитетни шакллантириш йўли билангина глобаллашув таъсирида миллий маънавиятда содир бўлаётган салбий хусусиятларга қарши туриш мумкин. Бу жараён жуда мураккаб бўлишига қарамасдан, уни амалга ошириш миллатимиз истиқболини таъминлаш, урф – одат, анъана, азалий қадриятлар ва ахлоқимизни ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилишимиз керак.

Ижтимоий фанлар ва психология соҳасида олиб борилган тадқиқотларнинг асослашча, глобаллашув таъсири остида миллий ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган миллатимиз учун ёт бўлган юқорида кўрсатилган “Оммавий маданият” дан ҳимояланишнинг муҳим имкониятларидан бири – миллийликни юксалтиришдир.

Бизга маълумки, миллий тарбия миллатимиз вакиллари, айниқса ёшларда миллий мерос, урф – одат, анъана ва ахлоқимиздаги энг илғор хусусиятларни, қадриятларни синдириш орқали миллий онг, дунёқараш, руҳиятни шакллантириш, ўзлигини англаш, миллий ғурур ва ифтихор

туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий манфаат, миллат истиқболи учун масъулликни онгига синдириш, бой меросимиз асосида маънавий бойитиш борасида олиб бориладиган амалий фаолиятдир. Унинг муҳим хусусиятлари қаторида ўзга миллатлар билан иноқ яшаш, уларни ҳурмат қилиш, ёрдам кўрсатиш, ўзларининг урф – одат, анъана ва қадриятларини яратиш каби мақсадларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Бундан ташқари, глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимояланишда мафкуравий профилактиканинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Мафкуравий профилактика – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий қарашлар мажмуаси бўлиб, бутун ғоявий ва ахлоқий-маънавий тизимни қамраб олади.

Ҳар қандай тарбияда бўлганидек миллий тарбияда ҳам аниқ мақсадлар кўзда тутилади. Глобаллашув авж олаётган бугунги кунда миллий тарбиянинг стратегик йўналиши миллатимизга ёт таъсирлардан ҳимоя қилишни ташкил қилади. Бунинг учун эса қўйидаги йўналишлар назарда тутилади:

Биринчидан, миллий онгни ривожлантириш, ёшларимизда миллий ўзлигини англаштириш, уларда миллий ифтихор, ғурур ва миллатимизга эътиқод туйғуларини шакллантириш:

Иккинчидан, миллий мерос - урф–одат, анъанамизни миллатимиз вакиллариининг ўзлаштириши ва эгаллашлари учун зарурий эҳтиёжга айланишига эришиш, дунёвий илмларни чуқур ўзлаштиришга қаратилган ижобий муносабатни шакллантириш.

Учинчидан, миллатпарварлик, ҳалқпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдири, манфаати учун дахлдорлик ва маъсулиятни англаш, унинг ҳафсизлигини ҳамда барқарор тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатишда баҳамжиҳат фаолият олиб бориш:

Тўртинчидан, миллатдошларимизда миллий – ахлоқий қадриятларга бўлган эътиқодини мустаҳкамлаш орқали уларни эъзозлаш, ривожлантириш ҳамда уларнинг бой, жозибали, гўзал, устун ва аҳамиятли эканлигини ҳис этишга эришиш, миллат обрўсини, ҳар қандай миллат учун умумий қадриятларни, садоқат туйғуларини ҳимоя қилиш, мустаҳкамликка эришиш кабилардир.

Ана шундай имконият ва зарур шарт-шароитлар таъсирида ҳар бир инсон, у қандай жамиятда яшашидан қатъи назар миллий ва умуминсоний аҳамиятга дахлдор ҳуқуқ, қонун, адолат, жинойт ҳақида маълум тасаввурларга эгалиги кузатилади. Худди шу билим ва тасаввурлар даражасига қараб инсоннинг ҳуқуқий онги ва маданияти белгиланади.

Бунинг моҳияти шуки, миллий қадриятлар асосида жипслашган миллат ҳеч қачон ўз мустақиллигини бировга бермайди ва аксинча, миллий қадриятлардан ажралган миллат ўз мустақиллигини ҳимоя қила олмайди.

Ватанга муҳаббат ватанпарварлик ҳиссида ифодаланади. Ватанпарварлик – бу кишининг сўзи билангина эмас, балки унинг иши билан исботланадиган воқелиқдир. Энг олий ватанпарварлик эса бу – Ватан озодлиги, Ватан мустақиллиги, Ватан равнақи йўлида кўрсатиладиган жасоратдир. Ҳақиқий

ватанпарварлик бу кишининг ўз Ватани истиқлоли ва истиқболи йўлида фидокорона ва ҳалол меҳнат қилишидир.

Демак, шахс, инсон манфаатлари, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш миллий хавфсизликнинг моҳиятини ташкил этади. Миллий хавфсизликнинг субъекти давлатдир, айнан у халқаро муносабатларда бутун халқи, аҳолиси, ҳудудидаги инсонлар номидан миллий, умумхалқ, умумдавлат хавфсизлигини таъминлаши мумкин.

Миллий ўзликни англаш миллатдан ўз маънавий бойликларини тинмасдан ривожлантириш, тарихий қадриятларини эҳтиёт қилиш, миллий анъаналарга содиқ бўлиш, уларни доим умумбашарий қадриятлар билан бойитиб боришни талаб қилади.

Биз ўзимизнинг ахборот фазомизни турли хил ички ва ташқи маънавий – мафкуравий таҳдидлардан асрашимиз учун ёшларимиз онги ва маънавиятида ўз она тилида мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига шароит яратишимиз ва уларда миллий – маънавий қадриятларга садоқат руҳини тарбиялашимиз, билим доираси ва илмий дунёқарабини кенгайтиришимиз зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси (22 декабрь, 2017 йил). Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -88 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 3-том, Тошкент, -704 б.
3. Абдулатипов Р.Г. Человек. Нация. Общество. –М.: 1991. -224 с.
4. Абу Райхон Беруний. Т., 1968. Танл. асар. 1 т. -488 б
5. Абульханова-Славская К.А. Типология активности личности // Психология личности и образ жизни. – М., 1987. -10-11 с.
6. Алиева К. Шахс ва жамият: манфаатлар уйғунлиги. “Тафаккур”, 2008 йил 2-сон, 10-13 бет.
7. Алимасов В. Ижтимоий низолар: назарияси, амалиёти ва ечимлари. “Фалсафа ва ҳуқуқ” 2007 йил 2-сон, 9-12 бет.